

ХУҚУҚ

Мустақиллик ҳуқуқ демақдир

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
4 март, chorshanba

09 (21)

Газета 1997 йил 27 августдан
чиқа бошлаган

8 МАРТИ - ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

Табрик

Азиз онахонлар, муҳтарам она-сингиллар!

Мустақил диёримизга ўзининг кўрки, таровати билан яна баҳор ташриф буюрди. Олам яшарётган ушбу кутлуг домларда эзгулик, меҳр-муҳаббат байрами - 8 март куни жамики аёлларимиз дилига баҳорий илиқлик, хуш кайфият бахшида этади. Шу муносабат билан барча онахонларимизни, она-сингилларимизни гўзаллик, меҳрибонлик, нафосат байрами билан чин қалбимдан муборак этамон.

Аёл дунё бешигини тебратлади, дейишади. Бу лўнда таърифда оналаримизнинг бекиёс латофати, донолиги, ақл-заковати, сабр-қаноати мужассам.

Ҳадиси шарифда «Жаннат оналар оёғи остида», деб бежиз айтилмаган. Соҳибкирон Амир Темури, Ҳазрат Навоий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Улугбек, Ал-Хоразмий каби

дахолар, буюк инсонларни дунёга келтирган шарқ оналарини бутун инсоният шарафлайди ва таъзим айлайди.

1998 йил Оила йили, деб эълон қилинди. Оила фаровонлиги миллий фаровонлик ососидир. «Оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади, давлатимизда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради», деган эди Президентимиз Ислам Каримов. Оилада онанинг ўрни, вазифаси қанчалик бекиёс бўлса, жамиятда ҳам шунчалик муҳим аҳамият касб этади. Зотан, мамлакатимизда оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақил давлатимиз оқилона миллий сиёсатни юритар экан, оналар ва болалар ҳуқуқлари ҳимоясини, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини таъминлашга фоят катта

этибор бериб келмоқда.

Жонажон диёримиз сиёсий ва иқтисодий ривожини, жамиятимиз миллий, маънавий камолоти йўлида фидокорлик кўрсатаётган қанчадан-қанча хотин-қизларимиз борки, халқимиз, ҳақли равишда улар билан фахрланади.

Бизнинг шаҳор прокуратурасида ҳам 30 нафар хотин-қизлар фаолият кўрсатмоқда. Жамоамизда кўп йиллик ҳалол меҳнати, ишдаги жонбозлиги, шахсий фазилатлари билан эъзоз топиб келаётган аёлларимиз кўп. Биз уларни ҳаммаша фахр билан тилга олаемиз.

Барча аёлларимизни кутлуг айём билан яна бор самимий кутлаб, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, оилаларига тинчлик-омонлик тилаймиз.

Мэлс НАИМОВ,
Тошкент шаҳар прокурори.

Шу куннинг репортажи

ХУҚУҚ НИМА?

Хуқуқий демократик жамият куришда ҳар бир фуқаронинг ўз ҳақ-хуқуқларини билиши, хуқуқий маданият даражасининг юксалиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, ҳаётнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётган айрим фуқароларнинг «Хуқуқ нима?» деган саволимизга бераҳаж жавоблари билан қизиқдик.

Қ.ОРИПОВ, Тошкент туманидаги 2-мактаб ўқитувачиси:

- Аввало, Оллоҳга шукрки, инсониятни борлиқнинг гултожи қилиб яратган. Инсон табиатдаги барча жонзотлар устидан ҳукмрон. Лекин шу билан биргаликда инсоннинг зиммасига жуда катта бурч ва масъулиятлар ҳам юклатилган. У фақат яхшилик ва эзгулик учун хизмат қилиши керак. Шунинг эътиборига олиб, ҳар бир давлат ўз шарт-шароитидан келиб чиқиб, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини қонун йўли билан мустақамлайдиган конституциялар қабул қилади. Ана шу ҳужжатда белгиланган, бизнинг ҳур, эркин яшашимизга кенг имконият яратиб берадиган қонунларни билиш ва унга амал қилишни тушунамиз.

М.ҲАСАНОВА, завод ишчиси:

- Тиркичилик... яшаб турибмиш. Хўжайиним, ўзим ҳам ишламан. Болаларимиз мактабда ўқияпти. Шу бизга берилган хуқуқ бўлса керак.

Ш. ДУСТМУҲАММЕДОВ, Тошкент Молия институти-тўти, 4-курс толиби:

- Фуқароларнинг эркин ва хур яшашини таъминловчи, давлат томонидан белгиланган қонун-қоидаларни тушунамиз. Хуқуқий демократик давлат куришда албатта, фуқароларнинг ўз ҳақ-хуқуқларини тўлиқ билиб, шу хуқуқлардан амалда фойдаланиши муҳимдир. Менимча, халқнинг хуқуқий онгини оширишда биринчи ўринда раҳбар ходимларнинг хуқуқий маданиятини юксалтиришга, уларнинг фуқаролар хуқуқларини ҳурмат қилишига эришмоғимиз лозим.

М.ЮСУПОВА, уй бекаси:

- Инсонга берилган хуқуқ унинг жамиятдаги ўрнини белгилаб беради. Инсон ўз ўрнини топиши учун албатта, ҳақ-хуқуқларини билиши, ўзини қонуний ҳимоя қила олиши керак. Лекин, афсуски, кўпчилик хуқуқий жиҳатдан паст билимга эга. Қандай ҳақ-хуқуқ борлигини билмаслик оқибатида кўпинча фирибгарларнинг домига тушиб қолмоқда.

М. МАҲМУДОВ, ТДЮН V курс толиби:

- Хуқуқ бу - инсон ва фуқароларнинг ўз мақсади ва манфаатларини қондириш учун муайян бир ҳатти-ҳаракатни қила олиш имкониятини қўлга киритишдир. Агар инсон ўзининг қонуний қафолатланган хуқуқларини қай тарзда, қандай ҳолатда қўллашни билса, у барча хуқуқлардан фойдалона олади. Фуқаролар ўз хуқуқларидан тўлиқ фойдалана олмас эканлар, хуқуқий демократик жамият куриш қуруқ сафсатага айланиб қолади.

Мирзо Улугбек метро бекатидан ўз юмушлари билан хар томонга кетаётган йўловчилардан олган қисқа репортажини «қайноқ»лигида газетада чоп этиш учун тахририятимизга шошиладим. Ҳа, тахририятимизга худди шу бекатдан чиқилди: Волгоград кўчасидаги 6-бинонинг 4-қаватида жойлашган. Сиз агар, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдирмоқчи бўлсангиз, тахририятимиз эшигини сиз учун очик. Хуқуқий билимингизни ошириш ниятингиз бўлса, албатта, «Хуқуқ» газетасини олиб ўқишингиз мумкин. Сизни қизиқтирган саволлар бўлса, тахририятимизга хат орқали ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.

М.БОЛЛИЕВА,
«Хуқуқ» муҳбири.



Баҳор келса, нафис гуллар билан тўлган
чаман нозик,
Чамандан ҳам чаманни кезган ул нозикбадан
нозик.
Узун сочи бели олдида нозиклик даъво қилмас,
Билар, бўлинса ҳам қирққа, бўлполмас белидан
нозик.
Лаби ол гунчанинг булбулга маҳтал чоғин
эслатмай,

Ўзи нозик, яна ўлдиргуси сўзлаб сухан нозик.
Ўтиб қошига нозиклик, кўзида қолди ёлғиз
ноз,
Уялгандан қабоқ остини тутди кўз ватан нозик.
Табиат қудратига, Дилмурод, айтган
тасаннолар,
Агар бахш этса жон, гулга кирар ҳатто тикан
нозик.
Дилмурод ХОЖИМУРДОВ.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси «Конун ҳимоясида» журналі

Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари

БОШ МУҲАРРИР:
Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Асрор АҲМАДЖОНОВ
- Дилшод ИСЛОМОВ (масъул котиб)
- Эркин ЙЎЛДОШЕВ
- Мэлс НАИМОВ
- Орипжон ХОЛМАТОВ
- Лола ШОМУРОВА
- Бахтиёр НАЗАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)

Газета андозаси «Хуқуқ» газетаси компьютер маркасида тайёрланди.

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. Газетадан кўчириб босилганда «Хуқуқ»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 66 - уй.

Телефонлар:
13-363-88, 13-382-34, 77-69-64.

Газета Тошкент вилоят матбуот бошқармаси томонидан №767 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри,

Буёқ Турон кўчаси - 41.

Нусхаси 20085
Буюртма Г - 01112
Қоғоз бичими - А-3.
Баҳоиси сотувда эркин нархда.

Навбатчи **О. БЕГАЛИЕВ**

Мусаҳҳих: **М. ДУСИЯРОВА**

1 2 3 4 5 6 7

Байрамолди суҳбати

ДУНЁ АЁЛЛАР БИЛАН ГЎЗАЛ

- Гулфия опа, 35 йилдан кўпроқ прокуратура тизимида ишлаётган экансиз, аёл кишига бу иш оғирлик қилмайдими?

- Касбимни севаман. 35 йилдан буён шу касбнинг наини еяман. Нолимайман. Энг асосийси одамларга ёрдамни тегаяпти, шундан хурсандман. «Нима учун яшайман, юртимга, оиламга бирор наф келтиралдимми?», деган саволни ўзимга кўп бор бераман. Худого шукр, саволимага қалбим жавоб беради. Уйрим, қилаётган ишларим зое кетмаётганидан мамнунман.

«Аёл кишига бу иш оғирлик қилмайдими?» деган саволингизга «йўқ» деб жавоб бера оламан. Прокуратура тизимидаги аёллар кўпинча ҳамфикр, билаганимизни бир-биримиздан сўраб ўрганиб оламиз.

Девонхонамиздаги ишга келсак, ҳар биримиздан катта масъулият талаб қилинади. Бу ерда шаҳор прокуратурасининг асосий ҳужжатлари қайд қилинади. Баъзилари эса тегишли жойларга жўнатилади. Бир сўз билан айтганда, прокуратураимизнинг қон томири, десак хато қилмаймиз.

- Аёл оиланинг - гултожи. Баъзан хизмат юзасидан жиноятга қўл урган оналарга кўзингиз тушиб қолганда хаёлингиздан нималар кечади?

- Саволингиз жуда дордли. Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Инсон инсондай яшаш керак. Рус



Гулфия Шафиқуллина
1994 йилдан буён Тошкент шаҳар прокуратурасининг девонхонаси мудири. Юридик мактабда таҳсил олган. 2 ўғилнинг онаси, 2 неваранинг бувиси. Турмуш ўртоғи Рустам ака «Фатон» АЖДа ишлайди. Эътиқоди - ҳалоллик. Оқ ранги ёқтиради.

ёзувчиси Чеховнинг бир сўзини кўп бор эслайман. У «Инсоннинг ташқи кўриниши, кийиниши, қалби ҳам гўзал бўлиши керак» деган. Афсуски, нафс йўлига кирган айрим аёллар жиноят кўчасига қандай кириб қолганини билишмаяпти.

Яқинда газетода ўқиб қолдим. Сурхондарё бежончилари «Душонба-Москва» йўналишидаги поездини бажона назоратидан ўтказиб, тожикistonлик оёлининг уч ёшли ўғилчасининг этигидан бир килограммга яқин қора дори топи олибди. Тўғриси, ана шундай оёларни кўрганмида ич-ичимдан эзиламан. Ахир, улар ҳам кимнингдир турмуш ўртоғи, қайсидир бе-

ғуноҳ боланинг онаси-ку, дейман. Норасида фарзандларининг хайрат тўла нигоҳлари кўз олдимга келади. Наҳотки, фарзандлар тарбиясига энг масъул, хонанданинг файзи, дунёнинг бахти деган таърифга сазовор аёл жиноятга қўл уришга қодир бўлса?!

- Бундан жиноятларнинг туб илдизи нималарда, деб ўйлайсиз?

- Қабилқикқа қўл ўрган кимса ҳамма вақт ҳам ўз айбини тан олавермайди. Баъзи аёллар ўзларини «яшаш қийинлашиб кетди. Мажбур бўлдим», деб оқламоқчи бўлишади. Аммо, қонун олдида ҳамма тенг. Жиноят қилдингми?

Жазосини оласан.

- Сиз аёлларнинг қайси хислатларини қадрлайсиз?
- Шарқ аёллари азалдан ибодли, ҳаёли бўлган.

Қиз боланинг ҳаё билан майин сўзлаши, келинчакнинг бош эгиб салом қилиши ва уй бекасининг андишали бўлмоғида ҳосият кўп. Донишмандларимиздан бири «Иф-фат бир зўр бойликдирки, унинг баҳосини чекламоқ мумкин эмасдир. Аёл учун энг зўр мартаба, энг қомил фазилат - иффатдур» деган эканлар.

- Бўш пайларнингизда қандай ишлар билан банд бўласиз?

- Аёллар учун оилада бўш вақтнинг ўзи бўлмайди. Рўзгорнинг юмушлари етарли. Илгари фарзандларим Марат билан Русланнинг ўқиш ва тарбияси билан шугулланганман. Улар энди ҳаётда ўз ўринларини топишди. Икковидан ҳам кўнглим тўқ. Ҳозир бўш пайларимни невараларим - Ноила ва Алберт билан ўтказаман.

- Баҳорнинг биринчи байрами 8-март халқаро хотин-қизлар кунини эшик қоқмоқда. Сизнинг ҳам халқасиз ола-сингилларингизга айтар сўзингиз бордир?

- 1998 йил ўрбощимизнинг ташаббуси билан Ойла йили, деб эълан қилинди. Ойла - Бахт аталмиш азим чинорнинг илдизи. Эътиқод, Имон, меҳр каби улғу туйғулларнинг ватани ҳам Ойла. Менинг тилигим, ҳар бир аёл - ўз уйда бахтли яшасин. Уларнинг қалбини оиласига ва ватанига бўлган муҳаббат тарқ эмасин.

Суҳбатдош:
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ.

Кутлов

«МИЛЛАТНИНГ КЕЛАЖАГИ ОНАЛАР ҚЎЛИДАДИР»

Мария Аксенова 1951 йил Тошкент юридик институтини битирган. Иш фаолиятини Сирдарё вилоятининг Ховос туманида прокурор ёрдамчиси вазифасидан бошлаган. Сўнг Тошкент вилоят прокуратурасида ишлаган. 1962 йилда 1992 йилгача Республика прокуратурасида ишлаган. 1992 йилдан буён Тошкент шаҳар прокуратурасида меҳнат қилмоқда. Адлия катта маслаҳатчиси.



- Мария Андреевна, прокуратура тизимида салкам чорак асрдан буён ишлаётган экансиз. Алар мўъжиза юз бериб, ёш бўлиб қолсангиз, яна шу касбни танлардингиз?

- Ҳаётда мўъжиза содир бўлса (аслида, афсуски, бундай бўлмайди) сўзсиз ҳаётимни прокуратура соҳасига боғишлардим. Чунки, прокурор ҳаётдаги адолатсизликка

қарши курашувчи инсон. У энг биринчи навбатда қонунларнинг бажарилишини назорат қилади. Қареддаки, қонунлар ишлаган экан, ўша жойда ноҳақлик, адолатсизлик юз беради. Прокурорларни адолат ҳимоячиси, деб бежиз айттирмайди-ку.

- Бундан ярим аср илгари (Давоми 3 -бетда).

Келажакка бир назар

Хуқуқий демократик жамият куришда аввало, хуқуқшунос кадрлар малакасининг юқори бўлиши мумкин аҳамият касб этади.

Республикамизнинг малакали хуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ишида ТДЮИнинг ҳиссаси каттадир. Байрам арафасида институт талаба қизлари билан учрашиб, уларнинг келажакдаги орзу ва мақсадлари билан қизиқдик. Беғубор орзулар оғушида тажрибали устозларидан хуқуқшунослик сирларини зўр қизиқиш ва шижоат билан ўрганаётган бўлажак юристлар қўйидагича фикр билдиришди.

Нафисахон Жўраева, 5-курс:
-Ешлгимдан хуқуқшунос

бўлишга қизиққанман. Лекин кўпчилик менга «баланд дорга осилмаслигини» маслаҳат беришган. Барибир, юридик институтга киролмайсан, у ерда «ишиқлар ўқийди, дейишган. Мен шу касбга астойдил қизиққанмидан бу гапларга парво қилмадим. Бахтим чолиб, институтга кирдим. Одам астойдил қизиқиб, ҳаракат қилса, орзуларга етишса бўларкан, деган хулосага келдим.

Ўқишни тугаллагач, хуқуқшунослик фанини ривожлантириш, ҳақиқий малакали, пок виждонли кадрлар тайёрлаш ишига ҳисса қўшиш ниятидаман.

Салма Шамшиева, 5-курс:
-Бололигимдан, очини, атроф-

Дил изҳори

ПРОКУРОР АЁЛГА МАКТУБ



Хурматли Ойша опа Шарипова!

Мактубим сизга кутлуг аём - хотин-қизлар байрами арафасида етиб боради. Бир дақиқа ишдан тўхтанг. Текиширмоқлик, кўрмоқлик зарур бўлган «Ишлар» ҳужжатлари столингизда тура турсин.

Сиз бировлар иши, ҳаёти ҳақида ҳар кунни ўқийсиз, ўрганаисиз, фикрингизни билдирасиз.

Бу мактуб бировлар ҳақида эмас. Унда жиноятлар хусусида гапирилмайди. Мактуб сиз ҳақингизда. Узингизни оқ варақларда сўзлардан ясалган ойнада кўришни истайсизми? Бошқаларга ҳаётингиздан, ишингиздан сўз юритишга изн берасизми?

Мақтабни тугатиб, хусн-латофатингиз чарх урган айна ибор пайтда эзингизга ички қийимини кийдингиз. Она юрт Тошкент шизила фалокатидан кейин тикланиш, қўрилиш майдонига айланган эди. Ватанга муҳаббатингизни, ёшлик куч-гайратингизни шу майдонда синаб кўришни лозим топдингиз ва бунинг ўдасидан қийдингиз. 10 йил кўрилишида меҳнат қилдингиз. Шу йиллар олингизга тинчлик бермаётган бир орзуингиз бор эди. Бир кун келиб ўша орзуингиз ҳам ушалди. Эзингизга хуқуқшунос қийимини кийдингиз.

Институтни тугатиб, ишга йўланганин Хоразм вилоятининг Урганч шаҳри прокуратурасига олдингиз. Ҳали ишда гўр қиз учун (Давоми 3 -бетда).

БЕҒУБОР

да бўлаётган ҳақсизликларга, адолатсизликларга кўп эътибор берардим. Мени ҳар доим «нега шунчақ», деган савол тазкиб қиларди.

Эсинда, кўшнимиз жамоа хўжалигида раис эди. Биз оила аъзоларимиз билан далога чиқиб, неча кунлар қийналиб ем-хашак йийиб олардик. Раис ва унинг қариндошларининг уйига ўз-ўзидан қанча-қанча олаб ем-хашаклар осонгина ташиб олиб келинарди. Раисимиз биздек қишлоқ

фўқароларига ёрдам беришни ҳоёлига ҳам келтирмасди. Фақат ўз манфаатини ўйлайдиган раисларни қўриб афсусландим. Шундан кейин мен ҳам ўқиб, адолат ҳимоячиси бўлишим мумкин-ку, дея институтга ҳужжат топширдим. Худого шукр, ҳақиқат бор экан, кирдим. Келажакда долат бошқарув органларида ишлаб, жамиятда адолатни қарор топтиришга ҳаракат қиламан. Баъзи раҳбарлардек «халқум» деб эмас, халқим деб яшашни орзу

Усмир ва қонун



сиб келаётган ёш наслларимизнинг бебаҳо бахти шундаки, улар мустақиллик чашмасидан қувват олиб, жаҳонга бўй-бастини кўрсатаётган шу азиз Ўзбекистонимизнинг хур бағрида чинакам эркин бўлиб камол топмоқдалар. Юртимиз келажаги бўлган ёш ўғил-қизларимиз энг олий неъмат - мустақилликнинг янги авлоди бўлиб шаклланаётганини уйлаганда, юракда чексиз ғурур уйғонади. Зеро, фарзандларимизнинг келажаги - бу Ватан, миллат келажаги демокдир. Ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга давлатимизнинг ёшларга оид сўбатининг устивор йўналишларидан бири сифатида қаралаётганлигининг боиси ҳам шудир.

Аммо биз учун мулкано янги бўлган бозор муносабатлари йўлига ўтиш вазифаси бу йўналишда ҳам ислохотлар зарурлигини тақозо қилди. Бу республикамизда қабул қилинаётган қонунларда ҳам ўз инфо-досини топмоқда.

Мустақилликнинг ўтган йиллари бесамад кетгани йўқ. Қонунлар тизими бир маромда ишлаш бошлади ва унинг натижалари кўзга ташланиб қолди. Хусусан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари қонунларга таяниб олиб бораётган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Профилактика йўналишидаги фаолият тўғрисида шохдорда балогатга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсишини тўхтатишга эришилди. Сўнгги икки йил мобайнида Тошкент шаҳри бўйича вояга етмаган болалар томонидан жиноят содир этиш ҳоллари қомайиши кузатиюмоқда. Ўтган йили эса улар ўртасида жиноятчилик 7,7 фоизга қомайди.

Гап болалар ўртасидаги жиноятчилик ҳақида борар экан, озгина бўлса-да, хотир-жаҳликда берилиш мумкин эмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бинобарин, бу вазифа мутасил ҳушёрликни, қатъият ва изланишни талаб этади. Амалга оширилган ишлар таҳлили ҳали профилактика соҳасида ечимини кутаётган муаммоларимиз мавжудлигини кўрсатиб турибди. Ўсмирлар ўртасида жиноятчиликка қарши кураш иш-ни ташкиллаштиришдаги бир қатор камчи-лик ва нуқсонларни бартараф этиш, бу ишда тошаббўс кўрсатиш - галдаги муҳим вазифа ҳисобланади. Агар пойтахтнинг айрим туманларида гурӯҳ бўлиб ва тақро-ран жиноят содир этган ўсмирлар сони ортганини эътиборга оладиган бўлсак, бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар борлиги аён бўлади.

Ўсмирлар ва болалар ўртасида назоратсизлик оқибатларидан кўза юма олмаймиз. Туман ички ишлар бўлимагарининг во-яга етмаганлар билан шуғулланувчи нозир-ликларига келтирилаётган ўсмирлар ора-сида ҳали 13 ишга тўлган болаларнинг борлиги ўз ишимизни яна бир бор таҳлил этиб, галдаги вазифаларни аниқ белгилаб олишга ўндайди.

Озага келган бу ҳолат ушбу соҳага йўналтирилган идора ва муассасалар ўз ваколатлари доирасида вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги фаолиятларини суст ташкил этаётган-лиқа-

ТАРБИЯ, МАСЪУЛИЯТ ВА НАЗОРАТ

ридан шохидлик беради. Балогатга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия ва инспекциялар рўйхатида турувчи ўсмирлар билан тарбиявий ишларнинг талаб даражасида йўлга қўйилмоётганлиги, бундай ўсмирлар билан индивидуал тар-тибда ишлашда расмийлик қобилига ўра-лашиб қолимоётганлиги ишимизда жиддий тўғаноқ бўлмоқда. Яна бир жиддий камчи-лик шундан иборатки, комиссия ва инспек-циялар, ИИБнинг бошқа бўлимагалари билан мактаб, оила, маҳалла ва жамоат таш-килотларининг ўзаро ҳамкорлигида тарқоқлик кўзга ташланади. Огоҳлантириш тартибидидаги профилактика ишларида ҳам расмийлик устун келмоқда. Режалар, тadbирлар қозғола бору, лекин амалда самара йўқ.

Кўпгина ҳолларда эса рўйхатда турувчи ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари билан умуман фойдаси тегмайдиган суҳбатлар ўтказиш билан чекланиб қолмоқда. Тар-бияси оғир болаларнинг руҳияти, келажа-қи ва интилиши, мақсади, индивидуал феъл-атворини синчиқлаб ўрганишда баъзан ҳаф-саласизлик ва малака етишмаслиги сези-либ қолмоқда. Комиссия ва инспекциялар фаолияти билан танишганда шу ҳолат кўзга ташланади, ўсмирларнинг ўқиш ва яшаш жойларида қандай таъсирчан профилактика ишлари олиб борилганлиги, улар қан-дай шарт-шароит ва муҳитда яшаётганлиги оид маълумотлар қайд этиб борилмаётти.

Бундай камчиликлар Миробод, А.Икромов, Шайхонтоҳур, Юнусобод ва Бектемир туманларида аниқланган. Бу жой-лардаги ишларни йўлга қўйишда ўқув-тар-бия муассасалари, меҳнат жамоалари ва жамоат ташкилотларининг ёрдамига тая-нилмаётти. Тарбияси оғир ўсмирлар билан яқна тартибдаги тарбиявий ишларнинг олиб борилмаслиги эса, баъзан улар томонидан жиноят содир этилиши сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Вояга етмаган Р.Зоҳидовнинг жинояти бунга мисол бўла олади. А.Икромов туманида истиқомат қилувчи бу ўсмир ҳеч қаер-да ўқимого ва ишлаган. Қоровуси қол-ган ўсмир катталарга қўшилиб, ичкилик ичшини ўрганади ва бир қатор жиноятлар-ни содир этади. 1996 йилнинг декабрь ой-ида у маст ҳолда бўла туриб, шериклари билан болалар бечаси қоровули Андреев-ни қолтақлайди. Ородан кўп ўтмай иккинчи жиноят қўл уради. 14-ўй ертўласида фуқаро Йўлдошевга нисбатан босқинчилик жино-ятини содир этишиб, сўнгра уни қасдан ўлдиришди. Бу жиноятдан тўрт кун ўтиб, фуқаро Аксенов Зоҳидов ва унинг шерикла-

ри томонидан қолтақланади. Шундан кей-ингина Зоҳидов ва унинг шериклари жиноий жавобгарликка тортилиб, узоқ муддатта озодлиқдан маҳрум этилганлар.

Зоҳидов нега бу даражада тубанлашиб кетди? У бирорта ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, сурнкали тарзда спир-тли ичимлик ичиб юрган бўлса-да, у яшаётган худуднинг масъул назари О.Қориев Зоҳидовни жиноят содир этишга мойил шахс сифатида профилактик рўйхатга олишни эътибордан соқит қилган. Айни пайтда Зоҳидов маҳалла кўмитаси, вояга етмаган-лар ишлари билан шуғулланувчи инспекция назоратидан ҳам четда қолган.

Вояга етмаган Н.Белоглазовнинг тақдири ҳам кишини ҳушёр торттиради. 5-синфи ҳам битирмаган бу бола ўқишини С.Рахимов туманидаги 150-мактабдан 180-мактабга кўчиради. Аммо ҳужжатларини бу мактабга топширмай, ўқишни йиғиштириб қўйган.

11 ёшдан ўз холига ташлаб қўйилган Белоглазов 1992 йилдан 1997 йил апрелига қадар уйда тунамасдан бир қатор оғир жиноятларни содир этади. Хар бир жиноят-дан сўнг ҳам жазоланмасдан қолаётганидан руҳланган ўсмир охир-оқибатда жиноий гурӯҳга қўшилиши ва одам ўлдиришга бориб етади. Энг афсусларни томони шундаки, ўтган олти йил ичида Белоглазов С.Рахимов тумани ИИБнинг ВЕИ нозирлари томонидан аниқланмаган.

Ҳокимиятлар қошидаги вояга етмаган-лар ишлари билан шуғулланувчи комиссия-лар ўз ваколатларидан тўлиқ фойдалана олмаяптилар. Улар ўсмирлар содир этган конкрет ҳуқуқбузарликларга оид материал-ларни ҳал этиш билангина машғул бўлиб қолмоқдалар.

Бундай ҳолатларнинг юзага келиши эса вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ишида дахлдор идоралар, жамоат ташкилотлари ва маҳалла кўмиталари ҳамкорлигини таш-киллаштирувчи мувофикаштирувчи марказ-нинг йўқлиги билан изоҳланади.

Мактаб ўқувчилари ўртасида жиноятчи-лик содир этилаётганини ҳам айтишга тўғри келади. Ўтган йили жиноий жавобгар-ликка тортилган ҳар тўрт ўсмирдан биттаси мактаб ўқувчиси эканлиги профилактика ишларида жиддий нуқсонлар борлигини кўрсатиб турибди.

Ўқувчи ҳуқуқбузарлик содир этар экан, бу ота-онани, мактаб раҳбарларини жид-дий таъвильлантириши лозим. Айниқса, ўқув-чининг ўқишни ташлаб қетишига асла бе-фарқ қароб бўлмайди. Афсуски, мактабга бормай қўйган ўғил-қизларни ўқишга қайта-

ришга баъзан эътиборсизлик билан қаралмоқда ва бу салбий оқибатларга ҳам олиб келяпти.

Вояга етмаган М.Холхўжаев, Ҳ.Қамбаров ва Д.Болтаев ўтган йилнинг ноябрь ойида «Фарҳод» бозорига фуқаро Раҳмоновга тегишли бўлган қўтиларни очиб, 47670 сўмлик қуруқ меваларни ўмаришади. Мазкур ҳолат юзасидан бозорда ўтқизил-ган текширувда балогатга етмаганлар ўрта-сида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олди-ни олишга қаратилган қонунларнинг қўпол тарзда бузилмоётганлиги аниқланди. Шаҳар ҳокимияти ёш болаларни бозорларда ишга жалб этмаслик ҳақида қорор чиқарган бўлишига қарамай, унинг ижроси назорат қилинмаган. Бу борадаги қонунбузарлик-ларга эса бозор қошида ташкил этилган милиция муниципал бўлимаси ҳам чек қўймоган. Бу бўлиманинг фаолиятсизлиги оқибатида ўсмирлар ўртасида талончилик, ўғирлик каби оғир жиноятлар авж олган. Бозорнинг мансабдор шахслари ҳам жино-ятчиликнинг олдини олиш тўғрисида мулкано баш қотирмаганлар.

Агар юқорида тилга олинган М.Холхўжаевнинг таржimai холига назорат ташлойдиган бўлсак, у ҳам 283-ўрта мак-табнинг 7-синфини битириб, сўнг ўқишни бутунлай йиғиштириб қўйганини кўраимиз. Мактаб директори Б.Назаровнинг тушунти-ришдан маълум бўлишича, болани мак-табга қайтариш билан ҳеч ким мулкано қизикмаган.

Юнусобод, Миробод, Яққасарой, Шайхонтоҳур, Чилонзор ва А. Икромов туманларида жиноят содир этган ҳар икки нафар вояга етмаган ўсмирнинг бири на бирон жойда ўқиган ва на ишлаган.

Хар қандай болани қаровсиз ташлаб қўйиш, орияти кучли ҳалқимиз табииатиға хос эмас. Улар биринчи навбатда билим олиш-лари, касб-хунар ўрганишлари, мавъий тарбия олишлари керак. Фарзандларимиз-нинг ҳар бири қуни мазмуни ўтишига ота-она, маҳалла кўмиталари, мактаб ва жамо-ат ташкилотлари масъулларлар. Яшаш ва ўқиш жойларида спорт, моданий тadbир-ларни жонлантириш, турли фан тўғралоқлари, қизқувчилар клублари ишнини мунтазам ташкил этиш ва уларга фарзандларимизни жалб этишимиз лозим. Бу болаларимизни жиноят кўчасига кириб қолдичан асровчи омиллардан биридир.

Б.НУРМУХАММЕДОВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг
ўринбосари.

Жараён

Жиноятчиликнинг олдини олишда ҳалқнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш асосий вазифалардан бири. Бу борада Тошкент шаҳар прокуратурасининг ишлари таҳсинга лойиқ. Шу йилнинг икки ойида маҳаллаларда ўнга яқин юзма-юз мулоқотлар уюштирилди. Ҳалққа янги қонунларни тушунтириш борасида анчагина ишлар қилинмоқда. Ана шундай учрашувлордан бири Шайхонтоҳур тумани, «Обиназир» маҳалласи 35-оилавий поликлиникасининг мажлисдор залида бўлди. Бу ерга маҳалланинг кекса-ю ёши юзма-юз учрашувга тўпланиши. Туман прокуратурасининг тошаббуси билан бўлиб ўтган учрашувда Тошкент шаҳар прокуратураси, туман суди, ҳокимлик вакиллари таширф бўюришиди.

Юзма-юз мулоқоти оған туман ҳокими ўринбосари Улўбек Раҳмонов йиғилганларга туманда амалга оширилаётган ишлар, муаммолар ва ютуқлар ҳақида кичика сўзлаб берди. Туман прокурори вазифасини бажарувчи Э.Усмонов ҳамда, туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбо-сари, подполковник Исроил Азаматов туманда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши қурош бораси-да жамоат ташкилотлари билан олиб борилаётган профилактик ишлар ҳусусида тўхталди. 1997 йилда миң-дан ортқ жиноят қайд қилинганини

айтиб, кейинги пайтлар жиноятчилик-нинг бозорлик, гиёвандлик, ўғирлик каби турлари қўлайига алоҳида эътиборни қаратади. Шундай маҳаллалор борки, ундан нафакат поймайтмиз, балки рес-публикамиздаги борча маҳаллалар ўрнқ олас эркинди. Мен намини айтмоқчи бўлган маҳалла ҳам шу туман худудида жойлаган. Бу маҳалланинг номи «Сархўн». Бу ерда биронта жиноят содир бўлмаган, - деди учрашувга сўз олган Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўрин-босари Бахтиёр Ҳақназаров. - Бу

нинг асл сабабини ўрганиб чиқганимизда бу маҳаллада аҳиллик, меҳр-оқибат кўчлигига ишонч хосил қилдик. Қаердаки инсонлар орасида меҳр-оқибат, саховат, бир-бирига ишонч бўлса, ўша даргоҳда нопок-лик, бирөөнинг ҳақиға хиёнат қилиш бўлмайди.

Худага шукр, кўз тегмасин, юртимиз тинч ва осойишта, - деди туман суди раиси Асад Ҳикматов йиғилганларга қарата. - Аммо, шундай инсонлар борки, озгина мол-дунё учун ҳатто ўз тунишганлари билан кў кўрмас бўлиб кетишмоқда ва уларнинг айримлари бизга мерос талашиб, мурожаат қилишояпти. Биз суъларнинг вазифаси ишни қонуний қурош. Ачинарли томони шундаки, ноҳақти мол дунё инсон қадридан эиёв бўлса. Яна бир муаммо. Кейинги йилда жиноятчиликнинг айрим турлари кўпайди. Аммо, уларнинг ортида қанчалар жабранувчилор борлигини кўз олдингага келтиришнинг ўзи кишини ўйлантириб қўяди. Қайси бир қотилинғ қора ишдан қимдир ўғил-дан, яна бир бегуноҳ болга отасидан бевақт ажралган. Бунинг сабабларини лояқидлик, ҳуқуқий маданиятнинг етишмаслигида, деб биламан. Йиғилишда маҳалла ахли ҳуқуқий мавзудаги саволлардан ташқари ўзлар-нинг йўналирига келаётган муаммо ва камчиликлар юзасидан саволлар билан мурожаат қилди.

«МЕНГА

Савол: Камариддин Исмолов, нафақадор: Биз «домда яшай-миз. Баъзан ярим кечалари «домимиз атрофида айрим бе-баш ёш-яланларнинг бақир-чакирларидан дам оломмаймиз. Тўғриси, биз участка инспектор-лари ишдан норозимиз.

Жавоб: И.Азаматов, туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари: - Биз туманимиз худудида осойиш-таланини таъминлаш учун иккинчи даражасида ишляямиз. Бирок, кам-чиликларимиз ҳам йўқ эмас. Туман ИИБда туни навбатчиликлар ташкил қилинган. Агар сиз бу ҳақда бизга эртароқ хабар қилганингизда, биз муаммонини аллақачон ҳал қилган бўлардик. Бугунданқо участка инспек-торларимиз сиз айтган ҳувада алоҳида эътиборни қаратади. Шах-сан ўзим бу ишни назоратимга ола-

ман.

Жавоб: Б.Ҳақназаров шаҳар про-курорининг биринчи ўринбосари - Қўпичча баъзи кишилар милиция бўлимларига, прокуратурага бирон жойда жиноят содир бўлсагина ха-бар беришади. Унгача айримлар эса гўё бирон фожеа бўлишини қутиша-ди. Юртимиздаги тинчлик ва осойиш-таланини сақлошга ҳаммомиз масъу-лики. Тўғриси, маҳаллодагилар ўз қўни-қўшинларини яқши билади. Ким нима қил қилади. Бозилор гиёванд модда-ларни исътемом қилаётган ён қўши-сининг фарзандини билса ҳам, уни ўз вақтида огоҳлантирмайди. Сен менга тегмасан, мен сенга тегмайман, қоби-лида ишлашади. Қачонки, бирон ўғир-лик ёки қотилиқ юз берсак шикоят қилишга туюди.

Савол: А.Юлдошев, нафақадор: - Қуни кеча турмуш ўртоғим

Табиат ва биз

Ўз қирғоқларидан қарийб 100 километр чекиниб, қурий бошлаган Орол денгизи атрофида экологик вазият чуқурлашиб, минтақада атмосфера, ҳосилдор тупроқ, қўл ва дарё сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўрнини тўлдириш мумкин бўлмаган даражада зарар етмоқда. Аҳолининг меҳнат қилиш ва яшаш шaroити, соломатлиги қийинлашмоқда. Оролбўйи халқлари орасидаги хасталикнинг 80 фоизи экологик вазиятнинг кескин ёмонлашуви оқибатида содир бўлаётгани сир эмас.

Ўш, бу офатнинг олдини олиш, экологик вазиятни барқарорлаштириш мумкинми? Мухбиримиз ана шу хусусида Ўзбекистон Республикаси Оролбўйи табиатини муҳофаза қилиш прокурори, олдья катта масlahатчиси Салават Қутлимуратович ҶОЗОНОВ билан суҳбатлашди.

- Салават Қутлимуратович, суҳбатини аввалда Орол денгизи қурий бошгани оқибатида юзага келган экологик офатнинг олдини олиш бўйича қандай чора-тадбирлар белгиланиб, амалга оширилган ишлар ҳақида муштарийларимизга гапириб берсангиз.

- Орол муаммоси фақат шу минтақада яшовчи халқларнинг эмас, балки бутун жамоатчиликнинг ташвишига айланмоқда. Минтақада экология чиғаллашиб, савдо-агроф мусофоллиги, инсонлар соломатлигига жиддий зарар етётганини бугун ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Қаримов халқроқ ташкилотларнинг нуфузли мин-барларидан туриб, бугун ер юзи жамоатчилигининг диққатини Орол муаммоларига тортмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилати ҳажининида янриқ халқроқ конференция ўтказишга эришилди, Европа ҳафсизлик ва ҳам-қорлиқ ташкилати томонидан бир қатор тад-бирлар белгиланди.Марказий Осиё давлат-лари раҳбарларининг Орол денгизи муам-молари башиланган олий даражадаги ур-шувларида қўллаб мухим ҳужжатлар ва де-ларация қабул қилинди. Уларни ҳаётга иж-рилатиб қилиш ва шу тўғрисида Орол экологик ҳа-лоқатининг оқибатини тугатиш учун жой-ларда раҳбарларнинг қатъий интизомга, бар-ча даражадаги ҳокиимликларнинг қонун та-лабларига риоя қилишлари ўта муҳимдир. Афсуски, ҳозирча бунга тўлиқ эришилмапти.

- Салават Қутлимуратович, бизни урб турган афроф-мухити ва минтақада са-ломатлигини муҳофаза қилишга бевоСИТА йўналтирилган ташкилотнингиз фаолияти-га тўхталисангиз.

- Ўзбекистон Республикаси Орол бўйи табиатини муҳофаза қилиш прокуратураси она табиат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, ер осии ва ер усти бойлик-ларидан оқилана фойдаланишни назорат қилиш мақсадида бундан етти йил муқодам тузилган эди. Утган довр мобайнида минта-қада Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўри-сидати», «Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақидаги», «Урмон тўрисидати», «Табиатини муҳофаза қилиш ҳақидаги», «Қазилма бойликлар тўрисидати», «Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳақидаги», «Давлат санитария назорати тўрисидати» ва бошқа қатор қонунлари риоя қилиниши устидан қатъий назорат олиб борилмоқда.

- Айтингиз, Қорақалпоғистон респу-бликаси табиатини муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва санитария назорати идора-ларининг бу бордаги фаолияти прокурор сифатида Сизни қониқтирадими?

- Тўри, мутасадди ташкилотлар кейинги даврда афроф-мухитни муҳофаза қилиш, са-нитария аҳолини яхшилаш борасида бир муноча ишларни амалга оширмоқдалар. 1997

ҳокимининг қарори билан бекор қилинди. Урган шаҳар ҳокими Султонов ўз вазифаси-дан озод этилди ва туман ҳокимига ҳайфсан эълон қилинди. Бошқа тегишли лавозимли шахсларга нисбатан ҳам чора кўрилди.

Бундай мисолларни қўллаб келтириш мум-кин. Нуккус шаҳар ҳокимининг қарори билан «Қизетган» қаналининг сув саклаш ҳавоСИга ичимлик сувига ташлаётган ҳоллари аниқланди. Прокуратура томонидан текшириш ўтказил-ганда, табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўми-таси ва санитария назорати идоралари бу ҳо-лини била туриб, ҳеч қандай чора қўри-маётгани маълум бўлди. Қорақалпоғистон ре-спубликаси Тўртқўл тумани ва Хоразм вилояти Дўржба шаҳар ҳокимлари бу ачинарли аҳолини бартараф этиш ўрнига фуқароларга шaroит яратиб берганлар. Яъни, Тўртқўл тумани ҳо-ким фуқаро Ш.Юсуповга, Дўржба шаҳар ҳо-ким фуқаро Э.Эрматовга шахсий чойхона ва бошқа объектлар қуриш учун ер ажратиб беришга қарор қилганлар. Бу қарорлар про-куратура томонидан эътироз билдирилиб, бекор қилинди.

- Салават Қутлимуратович, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига муносабат ёмонлашга қалайтгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Катта йўл ёқаларида, бозорларда балик ва қимнатбаҳо мўйналар билан савдо қилинаётганининг гувоҳи бўламиз.

- Жойларда «Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси тўрисидати» Қонун талабларининг қўл овишида бузилаётганини боис, Оролбўйи минтақасида ҳайвонот ва ўсимлик-лар дунёсига катта пугур етмоқда. Масалан, Бўзтов туманида яшовчи, илгари бронхит-лиги учун сувданган Ж.Плеуов 1997 йил январь-да «Жалтирбас» қўлида қимнатбаҳо мўйна-ли ондотларни овилаётганида қўлга тушди. Унинг хатти-ҳаракатлари тўғрисида она табиатта 24 минг сўмлик зарар етказилганлиги аниқланди. Эллиқалфа туманида яшовчи фуқаролар - Г.Эрнотаров, Ш.Бобониев ва Г.Ҳалимовлар Тахтақўпри тумани ҳудудида қонунга зид ра-вишда овчилик билан шуғулланаётганларида ушландилар. Бу «озоматлар» ҳам табиатта 29,7 минг сўм зарар етказганлар.Улар қил-мишларига яраша суд томонидан жозоланди-лар.

Жинсий йўл билан тугтилган балиқлар, ҳай-вонларнинг қимбатбаҳо мўйналари билан жой-ларда савдо қилинаётганини тўри. Бу ҳол-нинг зудлик билан олди олинмаси, дарё ва қўллардан балиқлар, қушлар, ноёб ондотра ва норқаларнинг жуда қамайиб, ҳатто йўқолиб кетиши ҳавфи ҳам туғилмоқда.

- Атроф мухитнинг мусофоллиги атмос-

феранинг нақадар тозаллигига қўл жихат-дан боғлиқ. Йирик саноат қорхоналаридан чиқайтган тутун, чаиғ-тўзонлар ҳавони булғаймоқда. Уларга тегишли чоралар қў-лланиляптими?

- Бизнинг прокуратура томонидан бу бора-да қонун талабларининг бажарилиши юза-сидан қўллаб текширишлар ўтказилди. Бугунги кунда минтақоюда 200 дан ортиқ саноат қор-хоналари, завод ва фабрикалари ҳавонини зарарлаётганлиги аниқланди. Бунга асосий сабаб - ишлаб чиқаришда носоз ускуналар-дан фойдаланаётганлиқидир. Назорат қилаётган идоралар эса, бу ҳолга ланжа орасидан қараётганлиги кишини ташвишлан-тиради.

«Қорақалпоқдон» ҳиссадорлик жамиятига қарашли бўлган «Нуккусон», «Чимбойдон», «Қорабойлигуруч», «Ўҳайлигуруч» қорхона-

ЯШИЛ ОЛАМ СОФЛИГИ УЧУН

Йилда табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўми-таси томонидан Қорақалпоғистон респу-бликаси бўйича 622 фуқаро ва лавозимли шахс-лар маъмурий жавобгарликка тортилиб, кел-тирилган зарарни қоллаш учун жарималар ундирилди. 40 та объект вақтинча тўхта-тиб қўйилди. Табиатни муҳофаза қилиш қонун-ларининг талабларига риоя қилмаган 463 киши маъмурий жозоландилар.

Қорақалпоғистон республикаси санитария назорати идоралари томонидан 1997 йилда Қорақалпоғистонда 984 киши маъмурий жа-вобгарликка тортилди.

Хоразм вилоятида ҳам худди шундай қўрсаткич - ўтган йили 1144 киши маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунга қарамай, бу ташкилотларнинг фаолияти ҳозирги қийин эко-логик вазиятда олдинишга қўйилган қўлдамор вазифаларни бажоришда шу куннинг талаби-га жавоб берайди.

- Салават Қутлимуратович, ер ва сув ресурсларидан нотўри фойдаланаётган-лик оқибатида ҳам экологик вазият чиғал-лашяптимикин?

- Гапнингизда жон бор. Довлатимизнинг «Ер ҳақидаги» ҳақда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўрисидати» қонунларининг бажарилишини назорат қилиш бўйича ўтказилган текшириш-лар шунч қўрсатадики, ерни талаб-тараж қилиш, уни одамларнинг талабларига қону-н-сиз бўлиб бериш, алоҳида муҳофаза қилина-диган табиий ҳудудларнинг ерларига, сув саклаш ҳавзалари ва дарё бўйларидики мах-сус ерларга деҳқончилик қилиш, объектлар ва умумий овқатланиш шохобчаларини қуриш ҳоллари учради.

Қонуннинг бажарилишини таъминлаш, ер ва сувнинг тақдирини ҳал қилиш ишониб тол-ширилган давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимият раҳбарларининг ўзлари қонунбу-зорликларга йўл қўймоқдалар. Оролбўйи та-биатини муҳофаза қилиш прокуратурасига Урганч шаҳри яқинидаги «Наврўз» посёлкаси аҳолисидан ердан фойдаланишда қўпол хато-ликлар содир этилаётганлиги ҳақида ориза тушди. Текшириш натижасида Урганч тумани ҳо-кимни қонунга зид равишда Мануберда но-мли жамоа хўжалигига тегишли ердан 15,4 гактарини шахсий уй-жой қурилиш учун аж-ратишга қарор қилганлиги аниқланди. Туман ҳокимининг бундай ноконуний қарорига про-куратура эътироз билдириб, Хоразм вилояти

сўз беринг»

маҳалламиздаги озик-овқат дў-қонидан 3 килограмм макарон олиб чиқди. Кўзимга чўғи ҳам-дай қўринди. Дўқонга бориб, махсуслатни гувоҳлар ҳолиси-гида тортиб кўрсак, 1 килограмм 750 грамм чиқди. Қачонгача дўқондаги нопок қимсалар ҳақ-нинг ҳақини тўя қилишадиган?

Жавоб: У.Раҳмонова, туман ҳокими ўринбосари. Аҳолининг рўзғори учун хар кун керак бўладиган 8 хил махсуслатларнинг дўқонларда бўлиши учун ҳаракат қилдикми. Тўри, савдо ҳадиллари орасида нопок қимсалар борлигини инкор қилдикми. Аябат-та, сиз айтган муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилдик. Бу маса-лада назоратни қўнайитроимиз, деб сизларга вoдa бердик.

Жавоб: Б.Ақилзоаров

- Бугунги йиғилишимизда туман

прокурори вазифасини бажарувчи Э.Усмонов ҳам иштирок этаяпти. Унинг вазифаси туманда қонунларнинг ба-жарилишини назорат қилиш. Қаер-даки ноконуний ҳаракатлар бўлса, унга қўнғириқ қилишиниз ва ердан сўрашиниз мумкин. Савдо соҳасида қонун бузилишлар, ҳайридорлар ҳақига хиёнат қилишлар содир қилинса, про-курорлар уларга амалдаги қонунла-римизга биноан чора кўришади.

Йиғилиш иштироқчиларига маҳал-ла аҳли иجتимоий-таъминот, соғлиқни саклаш, уй-жойлардан фойдаланиш, воғига етганлар тарбияси ҳақидаги муаммолар юзасидан саволлар би-лан мувожааз қилишди.

Йиғилиш сўнггида туман ҳокими-лиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идо-ралар вакиллари маҳалла аҳли би-лан ҳамқорликда қилиниши муҳим бўлган ишлар юзасидан келишиб

олди.

Биз маҳалла оқсоқолларининг йиғилишдан олган таассуротлари билан қизиқдик.

М.Исмаилова: Тўғриси, бу йиғилишнинг бунчалиқ бахсли бўлишини кўтимаган эдик. Ўзимиз бил-маган қонунларни сўраб, билиб ол-дик. Муоммолар қўл экан. Энг асо-сийси, очик-ойдин гапилашдик. Эндиги масала бу муаммоларни аҳдлик билан ҳал қилишди.

С.Мухаммадиев: Халқнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда бундай юз-ма-жум улукотларнинг ўрни бекиёс. Агар ана ўшандай урчушувлар тез-тез ташкил қилинса, халқнинг дилидаги ишлар бўларди. Биз тушунамиз, про-курорнинг ҳам ҳокимининг ҳам иш-лари қўл, муаммолари ўзларига етар-ли. Бирок, одамларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яқши билса, бундан факат жамиятимиз ютарди.

Халқимизнинг ҳуқуқий маданияти тезроқ оқсалса, юртимиз раванки ҳам шунчалик тезлашади. Юртбоши-миз таъжибланганликдех, ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир.

Зайиндин МАМАДАЛИЕВ.



«ЭНГ ИБРАТЛИ КЕЛИНЧАК»

1998 йил - Ойла йили муносабати билан пой-тахтимизнинг барча ту-манларида «Энг ибрат-ли келинчак» қурк-тан-лови пойтахтимизнинг барча тумонларида қизқарли рўхта ўтди. Тан-ловнинг уқийни бо-сийси эса «Дамза» теа-трида бўлиб ўтди.

Суратларда: Қўриқ-танловдан лавалар.

Р.ШАРИПОВ фотолари.

«Хар кимки ёмон бўлса...»

Конунлар... Ҳа, бизнинг инсонпарвар жамиятимизда конунлар фақат фуқаролар манфаоти учун хизмат қилади. Ана шу конунларни билибми, билмайми бузувчи кимсалар, албатта, ҳар қандай жамиятда учраб туради. Бундай конунбузарларни тўғри йўлга солиш, ҳақиқат ва адолат қиличи билан ҳақсизликка барҳам беришдек ўта масъулиятли вазифа қонун ҳимоячилари зиммасига юқлатилган.

Худди шу касбда кўп йиллардан бери хизмат қилиб келаётган отахон прокурорлардан бири, Тошкент шаҳар прокуратурасининг судларда жиноят ишларини кўришда прокурорлик ваколатини таъминлаш бўлимининг прокурори Азим Юнусов билан сўхбатда бўлдик.

Азим ака, прокуратурадаги фаолиятингизни қачондан бошлагансиз?

Мен бу соҳада 50 йилдан бери фаолият кўрсатаётман, - дея ўйчан гап бошлади кекса прокурор. - 1946 йилда судда котиб бўлиб ишлаганман. Кейинчалик кўшни Тожикистон республикасининг қатор туманларида, Тошкент вилоят прокуратурасида терговчи бўлиб ишладим. Эҳ-ҳе, қанча-қанча жиноятчилар, жабрланувчиларни кўрдим.

Фақат ҳақиқат ва адолат учун курашдим. Ўз фаолиятим ва тажрибамдан хулоса қилиб айтишим мум-

кинки, ҳамма соҳада адолат билан иш кўрилса, ютуқ ўз-ўзидан келаверади, инсон қадри ҳам баланд бўлаверади.

Терговчилик фаолиятингизда сизни ҳаяжонлантирган жиноятлар ва жиноятчилар кўп учраган. Шулардан биронтаси ҳақида гапириб берсангиз?

Ҳа, 1982 йил С.Раҳимов тумани прокуратурасида терговчи бўлиб ишлардим. Бир гуруҳ талабалар номидан имтиҳон олувчи довланинг, пара олиб боҳо кўйганлиги ҳақида шикоят тушди. Тергов жараёнида домла устидан 12 та

«ПОРАХЎР ДОМЛАДАН НАФРАТЛАНГАНМАН»

талабадан «4» баҳо учун 40 сўм, «5» баҳо учун 80 сўмдан пара олиб, баҳо кўйганини аниқладим. Нафси ҳақалак отган домланинг дастидан кўпчилик талабалар жабр кўрган экан. Ҳатто бир қиз кўларидан ёш билан бор гапни айтиб берди. Қизнинг 50 сўм пули бўлган, лекин бошқа фанлардан «5» баҳога ўқигани учун бундан ҳам «5» олмақчи экан, шунда ўқитувчисига қолган 30 сўмини кейин бераман, деса ҳам ўқитувчи фақат наҳдига қўйман, деб «4» қўйиб, 10 сўмини қайтариб берди.

Айби исботланиб, 10 йилга қамоқ ҳазосига тортилган порохўр домладан инсон сифатида жуда нафратланганман. Чунки шу порохўр домланинг тарбиясини олган талаба эртага ташкилотларга ишга қилганда пара олишга ҳаракат қилмаслигига ким кафолат беради? Порохўрлик, қаллоблик жиноятнинг урчиб кўпайишига йўл очиб берадиган бундай ходимларнинг олий даргоҳда дарс беришга ҳаққи йўқ.

Тергов қилинаётган айбланувчилардан калтак еган пайтларингиз ҳам бўлганми?

Бўлган. Энди ишни бошлаган пайтларим. Ҳали ёш, шижоатли эдим. Тожикистон Республикасининг Қўрғонтепа туманида терговчи бўлиб ишлардим. Гушт қомбинатида катта ўғирлик бўлган. Бош хисобчи ҳужжатларни қалбоқлаштирган. Ўша хисобчини тергов қилганман. Аввалига, менинг «ёш бола»лигимдан фойдаланган, бош хисобчи роса аравани қуруқ олиб қочди, лекин ҳамма айбларини ҳужжатлар, фактлар, далилий ашёлар билан тўлиқ исбот қилиб берганимдан кейин, бор аламини мендан олишга чоғланди. Жойидан туриб ўтирган стулни менга уққитирди. Мен кўларим билан қайтариб қолдим. Стул ёмон теги, лекин оғриқ сезмадим. Чунки, энг асосийси, айбланувчи айбларига иқроб бўлди, сувдан қуруқ чиқиб кетолмади.

Кекса прокурор билан сўхбатимиз шу жойга келганда эшикдан Азим аканинг 20 йилдан бери қадрдон дўсти, ҳамкасби

Асатулло Ҳақимов келиб қолди. Фурсатдан фойдаланиб, у кишидан Азим ака ҳақидаги фикрларини сўрадим.

Биз 20 йилдан бери ҳамкасб, қадрдон дўстимиз. Азим ака ҳақиқат ва адолатнинг қадрини балоқанд тутди. Шунинг учун ҳам у киши ҳар доим ҳамма жойда, ишда, жамоада ва қаловерса, оиласи, қариндошлари ичида ҳам ўз қадри-қимматига эга. Дўстим мустаҳкам оиланинг бақувват устун, бир этак фарзандлари ва набираларининг меҳрибон отаси, бобоқолони. «Азим ака, ҳали бақувват, - дея дўстининг елкасига қоқиб самимий ҳазил қилди, - ҳамкасби, - ҳали бемалол 10-15 йил ишлаб беради. Кекса прокурорларнинг қизиқарли сўхбатларини ёзиб олиб чиқар эканман, ўзим ҳам инсон фақат яшилликка интилса, адолатни қарор топтиришга ҳаракат қилса эл орасида қадри баланд бўлишига яна бир бор амин бўлдим.

М.БОЛЛИВЕА
сўхбатлашди.

Малакали терговдан намуналар

ЎН КУНДА ФОШ ЭТИЛГАН ҚОТИЛЛИК

1

1996 йил 5 июнь кuni Жиззах шаҳридаги уйлордан бирида кучли ёнгин содир бўлди. Ёнгини сезиб, ёрдамга шошилган кўни-кўшнilar тилсиз «ёв» қомидан хонодон соҳибоси - 59 ёшли Р.Сабитова ва унинг набиралари 3 ёшли Эвелина ҳамда 6 яшар Айвазларнинг мурдаларини олиб чиқишга улгуришди, ҳоло.

Мурдалар экспертиза қилинганда улардан жараҳатлари оқибатида ўлганликлари аниқланди ва ушбу факт юзасидан жинорий иш қўзғатилди. Шундан сўнг воқеа жойи яна қайтадан диққат билан кўздан кечирилди. Уйнинг ҳар бир хонаси, жиҳозлар, ҳатто ёниб қолган айланган нарсалар 2 сутка давомида бирма-бир текширилди. Хонадондаги ҳолат, буюмлар ва қимматбаҳо нарсаларнинг бор-йўқлиги аниқлаштирилганда бирон ўзгариш сезилмади. Фақатгина Р.Сабитованинг кўлларидаги тақинчқаклари йўқ эди.

Аниқланишича, марҳума ҳовлида 29 ёшли қизи Фарида Сабитова ва икки нафар набиралари билан бирга яшайдиган. Қуёви Қримда яшаб жинорий содир қилганлиги учун қамоққа олинганди. Оилада ортиқча пул ва бойлик бўлмаган. Демак, ўта шафқатсизлик билан ўч олиш ва жуда катта бойликни эгаллаш мақсадида мазкур жиноят содир этилган.

Бу оғир мусибат тўғрисида қорийб ақл-худуддан ажраловган Р.Сабитованинг дастлабки уч кун мобайнида сўроқ қилишнинг иложи бўлмади. Тергов ва тезкор-кидирув режаси воқеа жойидан тўлганган маълумотлар асосида тузилди ва жиноят иши бўйича қуйидаги таҳминлар текширилади бошланди:

1. Р.Сабитова ва унинг набиралари Ф.Сабитованинг эри Элимдор Куртумеровнинг душманлари томонидан ўч олиш мақсадида ўлдирилган.
2. Жиноят Ф.Сабитованинг хушторлари томонидан содир этилган.
3. Жиноят Р.Сабитова билан муқаддам гаразлашган шахслар томонидан содир этилган.
4. Жиноят Ф.Сабитованинг кўшнilarи томонидан унинг уйини эгаллаш мақсадида содир этилган.
5. Жиноят Сабитовалар хонадонидоги бойликка эга бўлиш мақсадида содир этилган.

Дастлабки таҳминлар текширилганда Э.Куртумеров уч йилдан бери қамоқда эканлиги, у ўта оғир жиноят содир этмаганлиги ва унинг душманлари томонидан ушбу жиноят содир қилиниши эҳтимоли қолгани аниқланди. Шунингдек, Ф.Сабитова билан алоқанда бўлган шахслар доираси ҳам аниқланиб, воқеа содир бўлган кундаги ҳаракатлари тўлиқ текширилди ва уларнинг ҳам бу қотилликка алоқадорлиги тасдиқланмади.

Жиноят Сабитоваларнинг кўшнilarи томонидан содир этилган, деган таҳмин қўйилишига сабаб, ёнгин қанча вақт довом этганлиги аниқлаш учун мутахассис фикри олинганда, ёнгин деярли уч соатдан ортиқ довом этганлиги кўрсатилган эди. Ёнгини дастлаб кўрган Сабитоваларнинг ён қўшниси Ҳақимовларнинг уйида 5 июндан 6 июнга ўтар кечаси 5-6 киши спиртли ичимликлар истеъмол қилишиб, анча вақт ўтирганлар. Улар ёнгини эртаси кели соат 10 ларда Сабитоваларнинг уйига телефон қилишга бораганда сезиб қолганиларини баён қилишган. Шундай қилиб, ёнгин соат 7 ларда бошланиб соат 10 га қадар довом этди-ю, орадаги мософа 5-6 метр бўлган иккинчи хонадондагилар бунчи сезилмаган бўлса? Ушбу гумон инобатга олиниб, Ҳақимовларникида бўлган улфатчиликда иштирок этган шахслар бирма-бир сўроқ қилинди. Ҳақимовнинг Шовкат исми ўғли жиноят содир этишга мойил шахс бўлганлиги, қиймларидан қон доғлари бўлганлиги учун у ҳам сўроқ қилинди. Шовкат сўроқда ҳар бир ҳаракатини батафсил гапириб, жиноят алоқаси йўқлигини, қиймидаги қон доғлари қўли жараҳатланганда теканлигини билдирди. Унинг қиймларидоги қон доғлари экспертизадан ўтказилганда қон гуруҳи ҳақиқатдан ҳам Шовкатга тегишли эканлиги аниқланди.

Жиноят Сабитовалар хонадонидоги бойликка эга бўлиш мақсадида содир этилган бўлиши мумкин деган таҳмин текшириб кўрилганда, уларнинг оиласида катта миқдорда пул, тилла буюмлар ёки қимматбаҳо нарсалар бўлмаганлиги аниқланди. Шу сабабли, жиноят бошқинчилар ёки ўғирлар гуруҳи томонидан олдиндан режалаштирилиб содир этилганлиги тўғрисидаги гумон ҳам режадан чиқариб ташланди.

Жабрланувчи Ф.Сабитова сўроқ қилинганда у жиноятни қиллар содир этиши мумкинлиги хусусида аниқ бир фикр айта олмади. Бир йўла онаси ва икки фарзанди-

дан ажралиб, оғир аҳолда қолган Ф.Сабитовадан ишда асосатидан бирон гап олинмагач, воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида топишган унга тегишли хатлар ўрганила бошланди. Фариданинг эрига охири марта ёзган хатида уйдаги аҳвол, қариндошлари ва танишлари ҳақидаги ёзувлардан ташқари, ҳатто «Яқинда Батя келди, ишининг тайини йўқ, уйни ремонт қилишга ёрдам берди, ҳолос», деган ёзув эътиборни жалб этади. Шундан сўнг «Батя» ҳақида материаллар тўлланиб, текширилди. Маълум бўлишича, «Батя» Э.Куртумеровнинг қолин дўсти бўлиб, Сабитоваларникига тез-тез келиб турган. Тезкор-кидирув гуруҳи унинг қачон Жиззахга келганлиги, қимникида яшаганлиги ва ҳозир қаерда эканлигини аниқлаш топширилди.

Аниқланишича, «Батя» Бахтиёр Куртумеров бўлиб, 1994 йилда Жиззахдан Қримга кетган. 1996 йилнинг апрель ойларида Жиззахга ораси Гулшан Куртумерованикига дам олиш учун келган ва бир ойдан сўнг қайтмоқчи бўлган. Юқоридаги маълум воқеа содир бўлишидан икки кун олдин у Ф.Сабитованикига келиб, Қримга бирга кетишни таклиф қилган. Аммо, Б.Куртумеровнинг ёнида пули йўқлиги боис, Фарида у билан Қримга боришни рад қилган. Ушбу сўхбатга гувоҳ бўлган Фариданинг Лариса исми дугонасининг айтишича, Фарида Қримга бориш учун тоғаси И.Яруллиндан 600 АҚШ доллари олган.

Ушбу ҳолат бўйича И.Яруллин сўроқ қилинганда у ҳақиқатдан ҳам жиянининг Қримга бориб келиши учун яқанба кунги ораси Р.Сабитовага 600 АҚШ доллари бериб келганини баён қилди. Ундан орасининг тилла тақинчқаклари бор-йўқлиги ҳақида сўралганда, марҳуманинг битта ниҳоя ва битта қизил қўзи тилла узуклари бўлганлигини, улар доимо орасининг қўлларидан бўлганлигини, пуллари ўзи ётадиган хонадонида шифонерда сақлашни билдирган. Шундай қилиб, воқеа содир бўлган хонадондан 600 АҚШ доллари ва 2 та тилла узук йўқолганлиги маълум бўлди. Навбатдаги режага мувофиқ Б.Куртумеровнинг 5-6 июнь кунлари қаерда ва қиллар билан бўлганлиги аниқланди. Маълум бўлишича у 5-6 июнь кунлари ўзининг эски танишлари билан жуда кўп миқдорда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, машаққат қилган. Улфатчиликнинг барча ҳаракатларини Б.Куртумеровнинг ўзи тўлаган.

Улар улфатчилик қилган чойхона ошпазлари, дўкон сотувчилари ҳақиқатдан ҳам барча пуллари Б.Куртумеров тўлаганлигини, ошпазлардан бири эса у 50 долларлик банкнотни сўмга алмаштириб келиб, сўнг ҳақ тўлаганлигини баён қилди. Гувоҳ В.Қирақ эса 5 июнь кун Б.Куртумеров унинг уйига келиб тилла узукни арзон нархда сотиб олишни таклиф қилганлигини кўрсатди. У билан улфатчилик қилган шахслардан бири М.Аймалов сўроқ қилинганда эса Б.Куртумеров унга аёлларнинг қизил қўзи тилла узукни арзон нархда сотиб олишни таклиф қилганини, ёнида пули йўқлиги сабабли узукни олмаганлигини билдирган. Шунингдек, уларнинг барчаси Б.Куртумеров 7 июнь кун эрталаб Жиззахдан Қримга жўнаб кетганлигини тасдиқлашди.

Шундай қилиб, қотилликка гумон қилинаётган Б.Куртумерога нисбатан бўлган шубҳалар янада кучайди ва унинг Жиззахга нима мақсад билан келганлиги, нима ҳисобидан кун кечирганлигини аниқлашга киришилди. Б.Куртумеровнинг ораси, поччаси, танишлари сўроқ қилинди. Уларнинг айтишича, Бахтиёр апрель ойининг охириларидан дам олиш баҳонасида Жиззахга келиб, орасиникида турган. Бу ерда доим орасидан пул олиб эҳтиёжга иштибат юрган. Бир ойдан сўнг Қримга кетмоқчи бўлса-да, пули йўқлиги сабабли тўри қолган. 4 июндан 5 июнга ўтар кечаси Б.Куртумеров ораси Гулшан билан қаттиқ жанжаллашиб, ёнида бир тийини бўлмаган ҳолда тунги соат 2 ларда уйдан чиқиб кетган ва шу бўйича қайтиб келмаган.

Юқорида баён этилган далиллар жиноятни Бахтиёр Куртумеров содир этганлигини тасдиқлаб турарди. Шу сабабли унга нисбатан айб ёзлон қилинди. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси орқали Украинани Республикаси Бош прокурорига тегишли ҳужжатлар юборилиб, Б.Куртумеровни қамоққа олишга рўхсат этилди. Жиноят-кидирув бўлими ходимлари Б.Куртумеровни ушлаб келтиришди ва у биринчи сўроқдаги ушбу жиноятни қай тарзда содир этганлигини батафсил гапириб берди.

Яъни, у Қримга қайтиб кетиш учун пул тополмай юрган кунларнинг бирида Ф.Сабитованинг Қримга бормоқчи бўлганлигини ва унга тоғаси 2 июнь кун 600 АҚШ доллари бериб кетганлигини, пуллар Р.Сабитованинг хонасида сақлашни билди олди. Ушбу пуллари, ўғирлаш мақсадида 5 июнь кун эрта тонда Фаридаларникига кириб, пуллари кидираётганда Р.Сабитова ва унинг набиралари ёнғиниб қолишди. Қилиши фош бўлишидан қўчиган Бахтиёр уларни бўлиб ўлдирди ва пул, тилла узукларни олади, унга ўт қўйиб чиқиб кетди.

Ушбу қотиллик жинояти ўн кун ичида фош этилди ва ўз мuddатида тергов қилинди. Жиззах вилоят суди Б.Куртумеровни олий завоға ҳукм қилди.

А.НАЗАРОВ,
Жиззах вилоят прокуратурасининг жиноятлари тергов қилиш бўлими бошлиғи.

Қилмиш-қидирмиш

Атоқли одиб Чингиз Айтматовнинг «Киёмат» романидаги нашофурушларнинг сардори Гриша исмли кимса ўзини инсофга давват этмоқчи бўлган Авдий Коллисторатовга қарата шундай хитоб қилади:

«... Баҳ! Дийдиди қилма! Дунёда ҳамма нарса сотилди ва олиноди, жумладан, сенинг Худойинг ҳам. Лекин мен одамлар маза қилиб кайф сурсинлар, дейман. Сизлар сўзда ва бунинг устига нариги дунёда ваъда қилган нарсаларга мен бу дунёнинг ўзида муассар этаман. Ёлғиз кайф роҳат-фароғат бағишлайди, оламда ўзингни қушдай эркин хис қилсан, кўкларга учасан. Майли, бу роҳат, лаззат кўз очиб юмгунча ўтиб кетсин. Майли, у фақат рўё бўлсин. Лекин, унда бахтиёрлик, унда саодат ва унда фақат хушни йўқотиб ётиш мумкин...»

НАСИБ ҚИЛМАГАН КАЙФ

Равшан Ботиров ҳам ўз фикрини айнан шундай ифодаламаган бўлса-да, ошналари Баҳриддин Ибрагимов ва Мингали Мирсалимовларни шунга яқинроқ мазмундаги жозибали сўзлар билан муваққат лаззат, аслида қабохат дароҳига чорлаган бўлса, ажаб эмас. Шериклари ҳам ўзларни бу роҳат-фароғат жаридан нарига олиб қочишни эмас, балки, шу жарга тушишни истаб юрган кимсалар бўлиб чиқди.

Шунинг учун бошлари тезгина қовшиб, амалий ишга киришдилар...

Келинг, яхшиси, «қахрамонларимиз» учун кўнглили туғасан воқеанинг тафсилотидан олдин уларнинг шахси билан танишайлик.

Ботиров Равшан Муродович -- Жиззах шахрида туғилган, оилали, 2 нафар фарзанди бор, шахардаги «Кўк бор»да паттачи бўлиб ишлаган, муқоддам 1994 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 125-моддаси 2-қисми билан айбланиб, 3 йил-у 6 ойга озодликдан маҳрум қилинган. 1995 йил 3 майда авфи ўмумийга кўра, жазо муддати учдан бир қисмига қисқартирилган. Қарши шаҳар судининг 1996 йил 16 майдати ажримига кўра, қолган жазо муддати ахлоқ тузатиш ишига алмаштирилиб, қамқондан чиқарилган.

Мирсалимов Мингали Гўлмедович - 1959 йилда Жиззах шахрида туғилган, бўйдоқ. 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 125-моддаси, 2-қисми, 216- моддасининг 1-қисллари билан 5 йил озодликдан маҳрум қилинган, жазони ўтаб чиққач, ишлаган.

Ибрагимов Баҳриддин Низомович - 1963 йилда Жиззах шахрида туғилган, бўйдоқ. 1982 йилда Жиноят Кодексининг 169-моддаси 4-қисми билан 4 йилга, 1995 йилда 276-модданнинг 1-қисмига кўра, 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. Ҳеч қорда ишламайди.

1997 йил 20 сентябрь куни Равшан Ботиров кўшини Баҳриддин Ибрагимов билан учрашиб, номаълум тожик йипитдан бир микдор «опий» моддаси сотиб олганлигини билдиради ва хуфёна кайф-сафо қилишга давват қилади. Б.Ибрагимов унинг тақлифига жон-жон деб рози бўлади ва уни кўшни Золин кўчаси 28-уйда яшовчи М.Мирсалимовнинг хонадонига бошлаб боради. Уни ўзларига шерик қилиш мақсадига ҳар бири 0,3 граммдан 2 та елим халтачадаги «опий» моддасини ҳадя қилишади.

Бу саховатдан эриб кетган М.Мирсалимов «опий» моддасини эритиб, эмлаш йўли билан қабул қилиш, имкони бўлса, ўзга талабгорларни ҳам баҳраманд этиш учун уйдан 5 дона бир марталик шприц, 2 дона демидрол (уйку дориси) таблеткаси, 1 банка ангидрат суюқлиги ҳамда 1 дона жез идих олиб чиқиб, хатарсизроқ ҳисобланган 59-уйга етақлайди. Бу пайта хонадон соҳиби Якубов ўзини билмайидган даражада маст бўлиб ётанлигидан фойдаланиб, сархуш этувчи «малях» тайёрлашга киришадилар.

Аммо, «мўъжиза»нинг кайфини суриш насиб этмайди... Ички ишлар бўлими ходимларининг ҳаракати натижасида «қўлбола жаннатга» тушишга чорланиб ўтирган улфатлар, ўзларини қамқонхонада кўрадилар. Қўлга олинган пайта Р.Ботировнинг кўкрак чўнтагидан 1 дона елим халтага солинган 0,3 грамм «опий», 2 дона бир марталик шприц, Б.Ибрагимовнинг шимининг орқа чўнтагидан 2 та елим халтадаги 0,6 грамм «опий» моддаси, уй ичидан эса 13 та елим халтадаги «опий» моддаси топилади.

Жиззах вилоят судининг ҳукми билан далилий ашёлар ҳамда жинорий иш устида ушланган Р.Ботиров 14 йилга, Б.Ибрагимов ва М.Мирсалимовлар эса 13 йилга озодликдан маҳрум этилдилар...

Баҳмал туманидаги «Тонготар» жамоа ҳўжалигида яшовчи Латиф Эргашев эса кўкнорининг ўзига эмас, пулига кайф қилмоқчи бўлиб, ўзини панжара ортида кўрди.

Игирма яшар бўйдоқ йипит Л. Эргашев Жиззах шахрига қартошча сотгани келади ва тасодифан таннишиб қолган Уктам Қувондиқовнинг илтимосини ерда қолдирмай, 1000 сўм пул эвазига воситачилик қилиб, кўкнори толиб беришга ваъда қилади.

Уни ҳалқилловчи Баҳодир Эргашевнига бошлаб боради, ўзаро савдоларини келиштириб, 1 килограмм 850 грамм кўкнори талқонини 7400 сўмга олиб бераётганида қўлга тушади.

Ҳали қўлига тегмаган арзимаган пул эвазига 11 йиллик қамқоқ жазосига мустаҳқ бўлади.

Қахрамон УММАТОВ,
Жиззах вилоят суди аъзоси.
Бахтиёр РИЗАЕВ.

Муносабат

ЖИНОЯТИГА ЯРАША ЖАЗОЛАНСИН

Содир этилган жиноятлар тўлиқ ўрганилиб, айбланувчининг ҳатти-ҳаракатларига тўри юридик боҳо бериш, Жиноят Кодекси моддаларини тўри талқин этиш адолатли қарор топтиришда муҳим омил ҳисобланади. Афсуски, айрим ҳолларда суд идоралари ўз вазифаларини адо этишда қамчиликларга йўл қўйиб, Жиноят Процессуал Кодекси талабларини бузган ҳолда жиноятларни нотўри малакашар орқали айрим жиноятчиларга енгил жазо тайинламоқда. Хусусан, Чиланзор туман суди томонидан қўрилган жинорий ва фуқаролик ишларининг сифати туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилганда, туман суди ҳам бу қамчиликлардан холи эмаслиги маълум бўлди. Биргина 1997 йил давомида туман судининг ҳукмлари нисбатан 37 та қассация протести киритилган. Шулордан 26 таси Тошкент шаҳар суди томонидан қаноатлантирилган. Туман судининг қайриқонуний қиқорган ажримларига нисбатан эса, 11 та хусусий протест киритилган. Шулордан 10 таси қаноатлантирилган. Ушбу киритилган протестларнинг нақадар асосли эканлигини мисоллар орқали кўришимиз мумкин. Чиланзор туман судининг 1997 йил 23 июнь куниндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 188-моддаси, 3-қисми «а» ва «б» бандлари, 190-моддаси, 2-қисми «б» банди билан айбдор деб топилиган Ю.Сиддиқовга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 72-моддасини қўллаб, тайин этилган жазо шорлига ойлантирилиб, 3 йил синов муддати белгилаган. Айбдор Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 190-моддаси, 2-қисми «б» банди билан 30 000 сўм жарима тўлаш жазосига тортилган. Суднинг ҳукмида кўрсатилишича, Ю.Сиддиқов назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсодига ўртоқлари Ж.Бобоханов ва Д.Султоновлар билан уюшган гуруҳ тузган ҳамда 2 тонна сариёнги якка тартибдаги савдо ва воситачилик фаолияти туфайли сотиб, 170 минг сўм фойда кўради. Бундан ташқари, спиртли ичимликлар сотиш учун махсус рухсатномаси бўлмагани ҳолда 4 минг дона шиша идишдаги «шампан» ичимлигини ҳам сотиб, 480 минг сўм фойда қилади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, хусусий тадбиркорлар савдо ва тижорат билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар очиб қўйилган, лекин бундай фаолият қонун доирасида бўлиши лозим. Аммо, Ю.Сиддиқов фақат ўз фойдасини ўйлаган. Бундай шахслар ноқонуний фаолият билан шуғуллангани учун албатта, жиноятига яраша жазо олиши керак. Ажабланарлиси шундаки, Ю.Сиддиқов ноқонуний савдо билан шуғулланувчи гуруҳ раҳбари бўлганлиги ва суд жароғинда унинг барча содир этган жиноятлари тўлиқ исботини топган бўлса-да, суд унга енгилгина жазо, яъни 30 минг сўм жарима белгилаган. 30 минг сўм пулни топиш эса Ю.Сиддиқовдек қатта фойданинг изидан қувган «бойваччаларга хомирдан қил суғургондек гап, эканлиги барчага маълум. Қизик томони, Ю.Сиддиқовнинг ҳамкорлик қилган ўртоқлари Ж.Бобоханов ва Д.Султоновларга бир хил жазо белгилаганган, Ю.Сиддиқов эса суд залидан озод

қилиб юборилган. Ваҳоланки, Ю.Сиддиқов бу ноқонуний фаолиятда асосий роль ўйнаган. Бу қиқорилган ҳукмининг асосисиз эканлиги далиллардан оён бўлиб турибди. Ушбу ҳукмининг Ю.Сиддиқовга тегишли қисмига нисбатан киритилган протест қаноатлантирилган.

Туман судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 238-моддаси, 1-қисми, 173-моддаси 3-қисми «б» банди билан айбдор деб топилиган 2-сонли автоқомбинат ҳайдовчиси Р.Усмоновга ҳам енгил жазо тайинланиб, унинг айбидан Жиноят Кодексининг 173-моддаси, 3-қисми «б» банди асосисиз равишда қўрилган ташлаган. Бошқа шахсга тегишли енгил машинани яширин равишда ёқиб юборишдек жиноятга ташкилотчилик қилган Р.Усмоновнинг айблари тергов ва суд жароғинда ўз исботини топган бўлса-да, унга нисбатан 2 йил ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиниши, оиллик иш ҳақининг 30 фоизини давлат фойдасига ундириш жазоси белгилаган. Бу албатта, енгил жазодир. Лекин шундай жиноятчиларга қўрилиган енгил жазолар жиноятчиликнинг ўсишига ёрдам бериши мумкинлигини баъзи судьяларимиз унутиб қўйганга ўхшайди. Бундан ташқари, юқоридagi ҳолатларнинг бўлиши ҳуқуқни муҳофазо қилувчи органларга нисбатан ҳалқ ишончининг суъсайишдек ҳунук оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам ёдда тутишимиз лозим.

Шуҳрат АҚРОМОВ,
Чиланзор тумани
прокурор ёрдамчиси.

Прокурор сўз сўрайди

Ўзбекистон транспорт прокуратураси томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» давлат хиссосдорлик компанияси тизимида йўловчиларга хизмат кўрсатишга оид қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширув бу соҳада жиддий қонунбузарликлар содир этилаётганлигини кўрсатди.

Авало, зытиборингизни текширув якуналарига оид айрим рақамларга қаратсак. Прокуратура томонидан ўтган йилнинг июнь-август ойда ўтказилган яли текширувда 1622 та поезд назоратдан ўтказилди. Ҳўш, натижа қандай бўлди?

Текширув давомида 59 мингдан зиёд чиптасиз йўловчи аниқланди, йўлқира учун улардан 3 миллион 632 минг сўм ҳақ ундирилди, 338 минг килограммдан зиёд юкнинг вагонларга қонунга хилоф равишда юкланишининг олди олинди.

Айниқса, «Тошкент-Поссажирская» станциясида текширув фаолият ва талабанилик билан олиб борилади. Бу ерда олис мақсодларга қатновчи поездларга ноқонуний равишда юклар ортши олдиди халқ айланиб қолганлиги маълум бўлди. Ушлб қолинган бундай юклар 753 минг килограммдан ортиқ тонна босди. Бунинг учун масъул жавобгар шахслардан 395950 сўм жарима ундириб

килограмм подшипникни манзилга етказиб келишди-ю, бироқ текширувда қилишлари фож бўлиб қолди.

Оролбўйи йўллари бўлинмасида ҳам йўловчи поездларига юк ортши, вагонларда чиптасиз йўловчиларни чиқариш каби фактлар қўллаб аниқланди.

Чунонки, Қўнғирот-Тошкент поездининг кузатувчиси И.Нурбеков бир тоннадан кўпроқ гуруччи тегишли чиптасиз Бўхоро станциясига етказиб бермоқчи бўлганида ушланди. Тошкент-Безмянка йўналишида қатновчи 297-поезд Урганч шахрига келиб тўхтаганда Б.Риззукулов кузатувчи бўлган 10-вагондан эса 440 килограмм ҳақи тўланмаган юк топилди. Айбдорлар қилмишига яраша жазоландилар, албатта.

Айрим йўналишларда қатновчи поездларнинг кузатувчиси вагонларга чиптасиз йўловчиларни чиқариш мумкин эмаслигини била туриб, бу қонданни қўлол равишда буюмқоллар.

Тошкент-Волгоград йўналишида қатновчи 58-поезд кузатувчиси Абдуллоев 10-вагонини ўзиниқи қилиб олган, шекилли, бир йўла 13 нафар чиптасиз йўловчини олиб



ИНСОФ ВА ДИЁНАТ УНУТИЛСА...

олинди.

Қонунбузарликларга йўл қўйган вақзаллар қазначи ва ходимларидан 6 нафари ўз вазифасидан четлатилди, 3 нафар шахсинг лавозими пасайтирилди, 19 нафар ҳодимага эса интизомий чара қўрилди.

Аммо чоралар қўрилганига қарамай, бу тизимда ҳақон қонун бузилишлари содир этилаётганлигини айтмай иложимиз йўқ.

Шуниси ажаблантириқки, йўловчилар ташувчи поездларни базван юк поездларидан фарқлаб бўлмайди. Кейинги текширувларда бу ҳол яна такрорланди ҳамда 10 нафар кузатувчига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

86-рақамли Москва-Тошкент поездининг 9-вагонда кузатувчи бўлиб ишловчи К.Бобоёв ва Х.Айтиёнов 475 килограмм банан, апельсин ва мандаринини ҳеч нарсдан қайиқчи вагонга орттишган. Бу факт бўйича жиноят иши қўзғатилиб, иш судга оширилди. Тошкент шаҳар прокуратураси қонунбузарликларни бартарф этиш юзасидан йўллаган таҳдиднома йўловчилар вагонларини ташмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича дирекция бошлиғи Ф. Дадақужаевни сарқалантириши лозим эди. Аммо бундай бўлмади.

Прокуратура ходимлари Москва-Тошкент поездини яна бир марта назоратдан ўтказганиларда, юқоридagi каби ҳолатларга дуч келишди. Бу сафар 14-вагон кузатувчилари Э.Сопиев ва Камаловнинг қинғирликлари фож бўлди. Улар пули тўланмаган 860 килограмм автомобиль эхтиёт қисмларини вагонга орттиб олишган экан. 2-вагон кузатувчилари Шоусмонов ва Париев эса 41

кетаётгани аниқланди. Андижон-Самарқанд поездида эса қатувчи Ф.Қосимова вагонга 5 нафар чиптасиз йўловчи қандай қилиб чиқиб олганини билмай қолган эмиш. Текширувда эса икки нафар йўловчи йўл ҳақи сифатида кузатувчига 1000 сўм пул тўлаганликлари оён бўлди. Ҳўш чўнтагини ўйлаган бу кузатувчилар маъмурий жавобгарликка тартиди.

Муҳтасар қилиб айтганда, темирйўл компанияси тизимида йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражаси ҳақон паст савияда қолимоқда. Йўловчиларга савдо ва маъшир хизмат кўрсатишда ҳам жиддий қамчиликлар мажбур, вақзаллардан чипта сотиш тормоқларининг ишида қонунбузарликларга йўл қўйилмоқда. Поезд вагонларида тозаллик ва озодликка эътибор бериш лозимлиги бир неча бор эътилолганига қарамай, ҳали жиддий ўзгаришлар сезилмоётми. Ўзбекистон транспорт прокуратураси текширувлар якуналари асосида қонун бузилишларининг олдини олиш бўйича тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлаган бўлса-да, темир йўл транспорти ходимлари йўловчиларга хизмат кўрсатиш моданягини тубдан яхшиловчи панжа орасидан қарамқоллар. Масъулятини ҳис этимаслик эса, давлат ҳазинасига жиддий моддий зарар келтириётганини юқорида келтирилган далиллар кўрсатиб турибди.

Бахтиёр АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон транспорт
прокурорининг ўринбосари.

Навр

Икром САРВАРОВ,
Мамур НОСИРОВ.

КЎРСАТГИЧ БАРМОҚСИЗ ОДАМ

(ҳикоя)

Турдиев қорақурт ва илонларнинг турини, заҳорларнинг тасирини борма-бир санаб кетди. Самадов ўз соҳасининг билимдонни бўлган олимнинг сўзларини мароқ билан эшитди.

— Тиббий экспертизанинг ҳулоасига кўра, — деди пировардида Турдиев, — марҳумнинг чап билагида ўнчалик ҳам сезилмайдиган қизғин доғ бор экан. Мен уни илон чақонлигини, деб ўйлаб қолдим. Массалан, бизнинг шоритимизда кўп учрайдиган қора ёки чипор илон. Яна ким билади, дейсиз...

«Қотил илон овловчи бўлиши мумкин-ку», — деган фикр ҳаёлидан ярқ этиб ўтди.

— Сизларда илонлар қаерда сақланади?

— Улар махсус питомникда сақланади. Самадов олимга қайта-қайта миннатдорчилик билдириб, питомникка йўл олди. Бу ерда илон овловчиларнинг шоритинома асосида ишлашларини, эҳтиётсизлик оқибатида илон чақиб олган тоқдирда заҳар тасирини кесми учун зардоб, санчиклар билан тошмиланишини билиб олди. Кейин ўзи яшаётган туманда, хусусан Пистали тоғида шоритинома асосида уч киши илон тутишини аниқлади...

Саматов улар билан бевоасита мулоқотга киришганига аҳд қилди.

Эзинг айна иссиқ кўнларини илон овловчилар тоққа ёки чўлга тушиб кетишди. Саматов илон овловчилардан иккитаси — Пётр Картушини ва Турдимурод Холловлар билан учрашди. Ташқи белликларига қараб, булар жиноятта алоқадор эмас, деган қарорга келди.

Энди учинчи илон овловчи — Кенжа Раҳматов қолган эди. У Пистали тоғидаги махсус жойга чиқиб кетган экан. Раҳматовни тоғдаги Чигирки қишлоғига яқин жойдан топди.

Кенжа Раҳматов 40-45 ёшлар чамасидаги дароз одам бўлиб, кўнжлари узун овчилар этигини кийиб олган эди. Қиришётган пайтда Самадов унинг ўнг қўлида кўрсаткич бармоғи йўқ эканлигига эътибор қилди.

— Бизни ҳам йўқлаб келадиган одамлар бор экан-ку, — деди у хушуд.

— Пётр Максимович сизга жўнатди. Сизни зўр шоғирларингидан бири, деб айтди. Шу... бир илтимос билан келдим.

— Ҳўш, эшитайлик-чи?

(Охири. Бошланishi ўтган сонда).

— Менга кўлвор илоннинг ёғи, яна қуритиб қоқи қилингани зарур эди. Дорилик учун мана шундай керак, — деди Самадов бўйинини қўли билан чизиб.

— Топамиз. Лекин бу нарсалар уйда эди.

— Жан ака, йўқ деманг. Керак бўлса, ўзим олиб бориб, олиб келиб қўяман.

— Буниси соз бўлди. Ўзим ҳам уйга қайтмоқчи бўлиб турган эдим. Ов бароридан келмади.

Кўшни туманга кирверишдаги ошхона яқинида Кенжа бир тўхтаб ўтишни илтимос қилди.

— Қорин жуда очди. Бир овқат-ланиб олайлик, ука.

— Бажонидил, — деди Самадов. Улар ошхонага киришди. Кабоб ва бир шаша ароқ бурушиди. Самадов машина башқараман, деб ароқдан бир қултум хўплаб қўяқолди. Қолган ароқни Кенжанинг ўзи тинчитди. Буниси майли-я, яна қайтарамиз, деб туриб олди. Самадов тихирлик қилмади.

Пайт келганда: — Бармогингизга нима қилган? — деб сўради. — Э, бунинг тарихи узок, ука, — гапни узокдан бошлади Кенжа Раҳматов. Анча ичиб қўйганига қарамасдан хушёр эди. — У пайтлари ёш эдим. Илон овлашни ўрганганимга 4-5 йил бўлганди. Шу Пистали тоғида бир гал илон овлаётгудим. Қўлимда қисқич ва болта бор эди. Санчки, зардоблар солинган халтани дорохта осиб қўйиб, анча кетиб қолибман. Шу олдидан қора илон чиқиб қолса бўладими... Қисқич билан бўйнидан ушладим. Бурилиб турибди денг. Олиб келаётганимда оёғим остига қарамобман. Ташга қоқилиб кетсам бўладими... Йиқилиб тушдим. Қандай қилиб билайман, нақ кўрсаткич бармоғимдан чакса бўладими, ланьнати гозанда... Дод, деб қолдим. Илон кетворди. Халтага етиб, ўзимни-ўзим уқол қилганимча, суробим тўри бўп қолди. Шундай болтачани чап қўлимга олдим-у, бармоғимни тош устига қўйиб, шартта кесиб ташладим.

Хикояни эшитиб, Самадовнинг бадани жунжикиб кетди.

— Худо бир сақлабди-я!

— Э, нимасини айтасиз. Сиз ўтириб туринг. Мен шундай бир ташқарига чиқиб келая.

Кенжа ўрнидан туриб, эшикка қараб юрди.

Пайтдан фойдаланган Самадов Кенжа ароқ ичган стаканини рўмончаси билан тутиб, ўзи билан доимий олиб юрадиган сумкача-

сига солди. Стакан ўрнига қўшни столдан бошқа стакани олиб қўйди.

Кенжанинг ҳай-ҳайлашига қарамай Самадовнинг ўзи ҳисоб-китоб қилди. Кўлвор илоннинг ёғи ва қуритилганидан ҳам олиб қайтди.

Икки кундан сўнг Самадов криминалист хулосасидаги шундай сатрларни ўқиб ўтирар эди. «Синглан графин бўғиздаги, спирт солинган идишдаги бармоқ излари ва юборилган стакандаги бармоқ излари бир кишига тегишли эканлиги аниқланди».

Кенжа Раҳматов қотиллик қилишда айбаниб, қамоққа олинди. Рад этиб бўлмайдиган далиллар қаршисидо у бўйин эгди.

— Шодини ўлдириш ниятим йўқ эди, — деди сўроқ пайтида.

У билан анча йиллардан бери таниш эдик. Шоди мендан илон заҳарларини олиб, қўшни республикадаги қимларгадир долларга пулларди. Бундан менинг хабарим бор эди.

— Демак, марҳум контрабанда билан шуғулланган. Сиз эса унга шерик бўласиз?

— Шундай Тушган пулдан маълум қисмини менга берарди. Бироқ кейинги пайтларда у ҳақимга хиёнат қилгандай туюларедик, менга. Уша кўни туш пайти у билан гаплашиб олай, деб келгандим. Шоди кеснинг хақинига кўз олайтирганам йўқ» деб туриб олди. Индамай тушлигини қилверди. Менинг жохлим чиқди. Ҳақимни бер, — дедим. У эса бош бармоғини икки бармоғи ўртасидан чиқариб, «мана бунди олсан», — деди. Мен графини олиб, полга бир уриб синдирдим. Шунда ҳам Шоди пинагини бузмади. Менга қарамай сомасни тушираверди.

Шунда мен «шошмай тур ҳали» деб юк тўрвачани очдим. Тутиб олиб, махсус халтачага солиб қўйган қора илонни қисқич билан бўйнидан қисиб, Шодига яқинлаштирдим. У бақирганича ўрнидан тураётиб, елкасини илонга уриб олди... Мен энди нима бўлса, бўлди, деб қўшни хонага ўтдим. У ерда спирт сақланганини билардим. Сўвдан бўшаган бир ярим литрлик шашага спирт қўйиб олдим. Кейин чиқиб кетдим.

— Ахир, сизда зардоб, санчки бор эди. Ердан кўрсатсангиз бўлмасмиди?

— Шундай қилиш ҳаёлимга келмапти.

Кенжанинг кўзлари илонникидай совуқ ялтираб кетди.

Назм

АЙЛАНСИН

Ҳилол сутга чайилгандек моҳирўйингдин айлансин,
Замин кўкда қуёшидан кечиб бўйингдин айлансин.

Жаҳонга арзига белингни ўнган сочиниг савдоси,
Жаҳон сочинга сарқат, танда эсон мўйингдан айлансин.

Қулиб, сўзлаб ширин, барча кўнгиларни олурсан,
Кўнги қолдирмай олаан ҳуш, шакар гўйингдин айлансин.

Ўзинг олдасан, лекин менинг бирла ҳаёлин,
Оғир қуларда ёлғиз қўймаган ўйингдин айлансин.

Келишга келмагайсан ё боришга қўймагайсан,
Бирам нозик, бирам инжиқ феълга ҳаётингдин айлансин.

На пиши, на қуйиб қул бўлди қуйингда ҳануз то,
Яна қуйдир, бу ҳам кам, Дилмурод қуйингдин айлансин.
Дилмурод ХОЖИМУРОДОВ,
Хўжанд вилояти,
Нов туманидаги Фармонқўрғон қишлоғи.

Кўнги

Биз кутган БАҲОР...

(Новелла)

Радиодан қўшиқ таралапти. Торнинг киши қалбини тўлқинлантирувчи ноласи узоқ-узоқлардан ақс содо бераётгандек. Дилрабо қўшиқ ҳамон янграйди:

Ёшлигини эслатиб тақрор,
Яна келди мен кутган баҳор...

Ана, мен ва сиз ёқтирган ўша қўшигимиз яна жаранглаяпти. Эсингиздами, бу қўшиқни қанчалар яхши кўрардик. Доимо, баҳорнинг қайтишини, қўшлар қўшиқ айтишини орзиқиб кутардик. Бу қўшиқ янграши билан кўзларингиздаги ажиб бир ўт янада ёрқинроқ чақнади. Мен эса Сизнинг кўзларингиздаги ўша чакмоқни кўришни яхши кўрардим.

Бу қўшиқни ёздами, қишдами, қачон эшитмай, менинг қалбимга дафъатан илк баҳорни - ўша Сиз билан бирга бўлган учрашув онларимизни етаклаб келади.

... Мен ўшанда бахтимдан сармаст эдим. Ҳатто, баҳор ҳам менга ҳавас қилаётгандек туюларди. Ҳар оқшому тонгда ҳам олам доқиқа сайин яшнар, безонарди. Ердан бош кўтарган гўёлар ҳам мусоффо кенгликларни чуғур-чуғурига тўлдириб юборган қўшлар ҳам мени баҳор билан, бахтим билан кутлашарди. Ҳо, бутун борлиқнинг, табиатнинг икки дилдан қайнаб чиққан бўлоқдек тиник муҳаббатимизга ҳаваси келарди.

Эсингиздами, лала сайлига чиққаннимизда бойчечак ва бинафша, алван рангли лолаларни тараётиб ҳам шу севган қўшигимизни бирга айтиб тақрорлаган эдик. Бизга жўр бўлган дўстларимизни иккимизга қанчалар ҳавас қилганини сезиб, роса қувонганлигимиз кенгаидек ёлдимда. Ҳамма дўстларимиз бизнинг муҳаббатимизнинг нақадор софлигига, беғуборлигига ҳавас қилардилар.

Мана, ниҳоят биз кутган баҳор ҳам етиб келди. Ҳа, фаспалор келинати ўзининг гўзал селвини борлиққа ёлди. Назаримда у ҳар йилгидан ҳам гўзалроқдек, мафтунқароқдек туюлди менга. Теварак атрофдаги қўш-қўшқиликни кўриб, завқим келарди. Сиз ҳарбий хизматга кетгандан буён биз лолалар тарадиган қирлар бағри яна чучумома-ю, бинафшалар, лолаларга бурканди.

Балки, Сиз ҳам ҳозир чучумоларни кўриб, висол дамларимизни, сайрга чиққан пайтларимизни эслаётгандирсиз. Ҳарорати халларингизда ёган дил сўзларингиз бунди ифодалаб турибди. Мен ҳам бу ерда ана ўша пайтларнинг тезроқ келишини интиқлик билан кутаяман. Сезаясанми, айрилиқда ўтган икки йиллик хижрон ўрнига биз кутган ўша висол дамлари яқинлашиб келаяпти.

Эшитаясанми, бизни ўз севган қўшигимиз, ҳаммиша бирга сайр этадиган лолаларимиз кутаяпти. Ана, қўшлар ҳам баҳорнинг ошуфта гўзаллигига сармаст бўлиб қуйлашяпти. Улар баҳорни қуйлашибгина қолмай, бу фасл иккимизга бахт ва шодликлар олиб келаётганидан ҳам дароқ беришяпти.

Сайида БОНУ.

Топқирлик машқи

Энига: 5. Кўкдам даракчиси, парранда. 8. Бир неча модданинг суяқлиқдаги қоринчаси. 11. Яйловда боқиладиган қўйлар тўдаси. 12. Қадимда араблардан бошқа шарк халқларига берилган ном. 13. Наврўз қадимдан нишонлаб келинган Осие қиёсасидаги мамлакат. 14. Кўчмончи қарадорлар манзили. 16. Наврўз томига ишлатиладиган галло. 20. Кўкдамда экиб, сўғормасдан ҳосил олиннадиган деҳқончилик.


Бўйига: 2. Баландлик, қир ер. 3. Узбек халқ рақс куйи. 6. Чумқусмонлар оиласига мансуб сайроқи қўш. 7. Кенг яйловларга бой, Зарафшон тизмасининг шимоли-ғарбий қисми. 9. Мамлакатимиздаги вилоят маркази. 10. Қоинотда рўй берадиган қисқа мuddатли ҳодиса. 17. Наврўз сайилларида ўтказиладиган чавандозлик

мусобақаси. 18. Достонлар тўкиб айтувчи халқ шоири.

Ёйлар бўйича: 1. Шарк халқларининг баҳор айёми. 4. Бутун олам, мавжудот. 15. Тол новдаси пўстлогидан тайёрланадиган сочлопуқ. 19. Байрамларда симдор ва чиғирикларда томоша кўрсатувчи санъаткор.

Энди қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси харф тартибини аниқлади) жавоб сўзларини мос харфлар билан алмаштириб муаммонимани ҳал этинг. 13-4; 5-2; 14-2; 11-4; 6-5; 7-1; 18-4; 17-3; 10-4; 20-2; Ундан нодир асарлардан бирининг номи аён бўлади. Мазкур асар муаллифи бўлган шарк халқларининг риёзиёт ва фалакиёт олими, рубоийновис мумтоз шоир номи биласизми?

Фозилжон ОРИПОВ.



ГАЗЕТАНИНГ # 8, 25 ФЕВРАЛЬ СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Шайка.
2. Барот.
3. Бадал.
4. Қумуш.
5. Гувоҳ.
6. Такси.
7. Жануб.
8. Зорар.
9. Касса.
10. Вақил.
11. Карат.
12. Ҳисоб.
13. Қирим.
14. Бедил.
15. Девон.
16. Хадис.
17. Ҳайит.
18. Банди.
19. Кафил.
20. «Чайка».
21. Савдо.
22. Фараз.

МУАММОНОМА

1. Қўбла.
2. Дехли.
3. Еркент.
4. Тўй.
5. Умр.
6. Шош.
7. Сўм.

ҲИҚМАТ: Қуёш нури беркитмайди,
Ҳақиқат шаъми сўнмайди.